

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (10.917)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 6 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА КУВАЙТ ДАВЛАТИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ШАЙХ МУҲАММАД САБОҲ АС-СОЛИМ АС-САБОҲНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

— Биз сизни нафақат Кувайт Бош вазирининг ўринбосари, балки етук давлат арбоби, мамлакат иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган иқтисодчи олим сифатида ҳам яхши биламиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Кувайт нафақат ўз минтақасида, балки дунё миқёсида ҳам катта салоҳиятга эга, жадал ривожланган давлатдир. Кувайт Давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилар қаторида, 1991 йилнинг декабрида тан олган. Ўзбекистон-Кувайт муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ва мазмунини бойитишда Президент Ислам Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга расмий ташрифи муҳим омил бўлди. Ташриф асосида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Хусусан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармоيارлини ўзаро химоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво қатнови бўйича, шунингдек, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида, шунингдек, икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Мазкур жамғарма билан 1997 йилда Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 19,8 миллион АҚШ доллари ажратиш тўғрисида кредит шартномаси имзоланган. 2005 йилда Тўқимачи-Ангрен темир йўли қисмини электрлаштириш лойиҳасини молиялаштиришга қара-

тилган 20 миллион долларлик, 2006 йилда эса юздан зиёд туман тез тиббий ёрдам марказини қайта тиклаш ва жиҳозлаш лойиҳаси учун 20,75 миллион долларлик ҳужжатлар қабул қилинди. Умуман, жамғарма ажратган кредитларнинг умумий ҳажми 60 миллион АҚШ долларида ошади.

Ўтган йили Кувайтда икки мамлакат савдо-саноат палаталари вакилларининг музокаралини бўлиб ўтди. Унда савдо ва сармоия, хусусийлаштириш, иқтисодийнинг ўзаро манфаатли соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларда парламентларо алоқалар алоҳида ўрин тутди. 2002 ва 2005 йиллари Кувайт парламент делегациялари Ўзбекистонда бўлди.

2006 йилнинг май ойида ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарининг араб тилидаги наشري тақдими ўтказилди. Бу воқеа ҳам халқларимизнинг маънавий яқинлигидан яна бир далолатдир.

Гуманитар ҳамкорлик соҳасида Кувайт Вақф ва ислом ишлари вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини таъкидлаш жоиз. Кувайт Давлати Имом ал-Бухорий мажмуини жиҳозлаш ишларида ҳам фаол қатнашган.

Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ Кувайт Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт Давлати ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қамровини янада кенгайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

**МАМЛАКАТИМИЗДА КУВАЙТ ДАВЛАТИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ШАЙХ МУҲАММАД САБОҲ АС-СОЛИМ АС-САБОҲ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРИБДИ. УШБУ ТАШРИФ ДОИРАСИДА 6 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА КУВАЙТ ТАШҚИ СИЁСАТ МАҲКАМАЛАРИ ЎРТАСИДА ИККИ ТОМОНЛАМА МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР ТЎҒРИСИДА АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ.**

### ҲУҶЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ушбу ҳужжат икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиб боришни назарда тутди. Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги вакили Норов ҳамда Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазирлиги Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ имзоланди.

Шу кун Кувайт делегацияси аъзолари пойтахтимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати имом жомеъ масжиди, Бароқон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи каби ноёб иморатларни кўздан кечирди. Меҳмонлар бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Кувайт делегацияси аъзолари муқаддас Қуръоннинг ноёб қўлёмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур муқаддас китобни ҳам кўздан кечирдилар.

Ўзбекистон ўзининг қадимий ва бой тарихи, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурхонуддин Марғинович, Маҳмуд аз-Замашшарий каби буюк шайхлар билан бутун дунёга машҳур, — деди Кувайт делегацияси раҳбари Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ. — Кувайт Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини барча соҳаларда ривожлантиришга интилоқда. Ўзбекистонда қадимий обидларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳам таҳсинга лойиқдир. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган мамлакатимизда бой маънавий ва маданий меросни ўрганиш ва ривожлантириш борасида қилинаётган самарали ишларнинг халқаро миқёсида яна бир эътирофидир.

Нодира МАНЗУРОВА,  
 ЎЗА мухбири

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Пойтахтимиздаги «Райхон-доно» хусусий фирмасида меҳнат қилаётган моҳир кўли тикувчилар, гўзаллик яратувчи уста ҳунармандлар ишлаб чиқараётган сифатли ва рақобатбардод маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки узоқ хориж давлатларида ҳам манзур бўлмоқда. Масалан АҚШ давлатига жомоа ахли табиий пахта матосидан тикилган бежирим, кўркам, экологик тоза покривал ҳамда ёстиқ жилдларини катта миқдорда экспорт қилмоқда.

**СУРАТДА:** фирманинг бисер устаси Алла Волосякова навбатдаги буюртмани бажариш жараёнида. Наталья Семёнова олган сурат

### Киска сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тендош» маданият уйда туман халқ таълими бўлими ҳамда Усмон Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорликларида спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси бўйича уюштирилган мусобақаларда «Машина-созлар», Шароф Рашидов ҳамда Усмон Юсупов маҳаллалари жамоалари ўзаро беллашди.

● **КЕЧА** шахримизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий

Кенгаши ташаббуси билан ёшлар, партия фаоллари иштирокатида ўтказилган тадбир «Еш оилаларга ғамхўрлик—келажак пойдевори» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент молия институтини ўқитувчилар, Жанубий Корея таълими мутасаддилари иштирокида мамлакатимизда таълим тизимини янада ривожлантиришда Жанубий Корея билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларининг аҳамияти борасида сўз борди. Шунингдек, Жанубий Корея Ёнг Жон университетининг филиалини Тошкентда очиш заруриги таъкидланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## WTF ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

**ЮРТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ЖАҲОН ТАЭКВОНДО ФЕДЕРАЦИЯСИ /WTF/ ПРЕЗИДЕНТИ ЧО ДЖОН ВОН РАҲБАРЛИГИДАГИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING СПИКЕРИ, WTF Йўналиши бўйича ЎЗБЕКИСТОН ТАЭКВОНДО УЮШМАСИ ФАҲРИЙ РАИСИ ЭРКИН ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Учрашувда Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани, аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга қаратилган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Шу мақсадда ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган турли дастур ва лойиҳалар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзининг мустаҳкам қарор топишига ва етук спортчилар етишиб чиқишига хизмат қилмоқда.

Юртимизда Шарқ яққа курашининг барча турлари сингари таэквондо ҳам ривожланмоқда. Айни пайт-

да мамлакатимизда йигирма мингдан зиёд спортчи таэквондо билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўзбекистонлик таэквондочиларнинг халқаро майдонларда юқори натижаларни қўлга киритаётгани ҳам спортнинг бу турига юксак эътиборнинг амалдаги натижаларидандир. Жумладан, 2006 йили Катарда ўтган XV ёзги Осиё йўналишида ҳамюртимиз Евгения Каримова мазкур спорт тури бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон таэквондо уюшмаси спортчилар тайёрлаш, мураббий ва спортчилар малакасини ошириш борасида Жаҳон таэквондо федерацияси билан изчил алоқаларни йўлга қўйган.

Учрашувда бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жаҳон таэквондо федерацияси делегацияси Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги Р.Қурбонов билан ҳам музокаралар ўтказди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ  
 ЎЗА мухбири

### АНЖЕЛО ПЕРСИЯНИ:

**«ИТАЛИЯ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, ДЕМОКРАТИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлайди»**

**ИТАЛИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ПОЙТАХТДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ» МЕҲМОНХОНАСИДА МАЗКУР МАМЛАКАТ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — РЕСПУБЛИКА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУНГА БАҒИШЛАБ ТАНТАНАЛИ МАРОСАМ ЎТКАЗДИ. ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ АНЖЕЛО ПЕРСИЯНИНИНГ ЧИҚИШИ ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИДА КАТТА ҚИЗИКИШ УЙҚОТДИКИ, УНДА ЭЛЧИ ИТАЛИЯ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИГА ТўХТАЛДИ.**

Жумладан, италиялик дипломатнинг қайд этишича, Италия Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт, демократия жараёнларини ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш, гиёванд моддалар савдосига қарши биргалликда кураш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. «Биз ўлим жазосига нисбатан амалда бўлган де-факто мораторийини ҳамда келгуси йилнинг бошидан ўлим жазосининг тўла бекор этилишини кутлаймиз, деди у. Биз келгуси йилда «Nabeas Corpus» институти (хибса олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура идораларидан судларга ўтказиш) жорий этилишини таъкидлаймиз».

Шу ўринда Италия элчиси Ўзбе-

кистон билан икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги ҳолатига юқори баҳо берди ҳамда уларнинг янада ривож топишига тилак билдирди.

«Ўзбекистон ва Италия иқтисодий таъриф қилмайди, аксинча бир-бирини тўлдирди. Биз ҳаммаша турли даражалардаги — маданий жабҳаддан тортиб то сайёҳлик соҳасигача бўлган алоқаларни кенгайтиришни хоҳлаганмиз. Биз бир неча маротаба муносабатларимиз ўсиши салоҳиятига мурожаат этдик — бу салоҳиятга йўл беришнинг вақти етиб келди.

Икки томонлама даражадаги табиий қизиқишдан ташқари Италия ҳақиқатан ҳам Марказий Осиё билан алоқалар мустаҳкамланаётган

ҳозирги босқичда Европа Иттифоқини ҳамда жорий йил июнь ойига мўлжалланган минтақанинг беш давлати билан ҳамкорлик борасидаги Европанинг янги концепцияси ишлаб чиқишини қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга ЕИ бу минтақага, илгари сира бўлмаганидек, Ўзбекистонга, минтақанинг марказий давлатига умумий келажакни куриш учун асосий соҳалардаги ўсиб бораётган ҳамкорликка афзаллик тақдир этмоқда. Италия бунга тўла қўшилади, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Джанни Вернеттининг яқинда Тошкентга амалга оширган ташрифи бундан далолатдир», дея қайд этди А.Персияни.

(Давоми 3-бетда)

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча** Жизза ҳамда Самарқанд вилоятлари жамоатчилик вакиллари «Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз» халқаро автомобиль йўлининг 1013 километрида тўпланиши. Бу ерда М-39 йўлининг 1005-1013 километрларининг очилиш маросими бўлди. Халқаро аҳамиятга молик мазкур йўлни «Жизза-хавтойўл» худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти йўлсозлари бунёд этишди.

● **Ўзбекистон** Миллий академик драма театрида республикамиз вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда туманлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари бош врачларининг анжумани бўлиб ўтди.

● **Қашқадарё** вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Республика Бош прокуратураси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган семинар тадбиркорлик субъектларининг амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ижросига бағишланди.

● **Тошкент** вилояти пиллакорлари давлат қабул пунктларига 1290 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Бу ўтган йилга қараганда 25,2 тонна кўпдир. Жорий йилда вилоятда 20401 оилавий зveno, 27173 қути ипак курти уругини парваришлади.

● **Хоразм** вилоятининг Питнак шаҳрида халқаро андозаларга мос ёпиқ сув ҳавзаси ҳамда баскетбол, волейбол, бадий гимнастика залларини ўз ичига олган болалар учун замонвий спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. «Туямўйинсувқурилиш» очик турдаги акциядорлик жамияти бунёдкорлари ушбу объектда 158 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

● **Термиз** шаҳрида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг шохобчаси ташкил этилди. Замоनावий бинода иш бошлаган минибанк барча турдаги ҳўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатади. Ушбу шохобчада бошқа банклардан фарқли равишда «SMS -мижоз» деб номланган қўшимча хизмат тури йўлга қўйилди.

● **Ҳазорасп** туманидаги «Nazorasptextil» масъулияти чекланган жамияти жамоаси 2,5 ой ичида хорижга 300,2 минг АҚШ долларлик 208 тонна ип-калава экспорт қилди. Йил охиригача яна 800 тоннадан зиёд ярим тайёр маҳсулот Россиянинг тўқимачилик корхоналарига жўнатилади.

### ЖАҲОНДА

● **Кеча** Германияда «Катта саккизлик» давлатларининг саммити иш бошланди. Унда ривожланган мамлакатлар етакчилари иқлим ўзгариши, Яқин Шарқ ва Косово масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

● **Италия**нинг собиқ бош вазир Жулиано Амато етакчилигидаги «Amato Group» гуруҳи сиёсатдонлиги Европа Иттифоқи Конституциясининг соддалаштирилган вариантини тайёрладилар. Конституциянинг бу вариант 2005 йили Франция ва Нидерландия томонидан ратификацияга рад этилган аввалги Евроконституциянинг муқобили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

● **Таиланд**нинг муваққат ҳуқуқати ҳозир амалда бўлган сиёсий партиялар фаолияти тақилловини бекор қилди. Ҳарбийлар томонидан тузилган муваққат ҳуқуқат яқинда умумхалқ референдуми орқали тасдиқланган янги Конституцияга кўра, сиёсий партиясаларга шу йил декабрда ўтказиладиган умумхалқ сайловларига тайёргарлик кўриш имконини берди.

● **Бразилия** ҳуқуқати қурилиши узоқ йиллардан бўён ташлаб қўйилган учинчи атом электр станциясини битказишга қарор қилди. Мамлакат фан ва технологиялар вазирлиги Сержиу Резенденнинг маълум қилишича, Анга 3 станцияси қурилишини битказиш тўғрисидаги қарор расмий равишда ушбу ой давомида эълон қилинади.

● **Нигерия** ҳуқуқати «Fizer» фармацевтика компаниясини судга берди. Компания янги дориларни синаш асосида мамлакатдаги кўплаб болаларнинг ўлимига сабаб бўлган. Ҳуқуқат вакилининг билдиришича, давлат органларидан тегишли руҳсатномаларни олмастан болаларга лицензиясиз дорилар берилган.

● **Мексика** пойтахти Мехикога бўлиб ўтган «Дунё гўзали» танловида 20 яшар япониялик сохибжамол Рийо Мори сайёрамиз гўзали деб тан олинди. 2-ва 3-ўринларни Бразилия ҳамда Венесуэла мамлакатлари вакиллари эгаллашди. Ушбу нуфузли танловда жаҳоннинг 77 та давлатидан келган қизлар иштирок этишди.

● **Ҳиндистондаги** Air Sag компаниясига тегишли янги автомобиллар баки ёнилиги билан эмас, балки поршенларни ҳаракатга келтирувчи сикшиштирилган ҳаво билан тўлдирилади. Автомобиль бакини бир марта тўлдириш орқали соатига 100 километр тезликда ўртача 200 километр масофани босиб ўтиш мумкин. Бунинг учун компрессор станциясида бак тўлдирилса бўлган.

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 8 июнь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, киска муддатли ёмғир ёғиб, момақалдиқ бўлади. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда эсаётган шамол момақалдиқор пайтида кучайиб, секундида 15-17 метрга етади. Кечаси 12-14, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

# ВАТАНПАРВАР

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЎЗИНИНГ «МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ, ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲҚАМ КАФОЛАТИДИР» НОМЛИ КИТОБИДА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ ИЛК ШАКЛЛАНУВ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТАР ЭКАН, ШУНДАЙ ДЕЙДИ: «...90-ЙИЛЛАРДАГИ МУРАККАБ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТГА ҚАРАМАСДАН, БИЗ ҲАРБИЙ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ ВА УЛКАН ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ, ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАРИНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН МОДДИЙ ВА МОЛЯВИЙ МАНБАЛАРНИ ИЗЛАБ ТОПИШ МАҚСАДИДА ҚАТТИҚ ИШ ОЛИБ БОРДИК».**

Дарҳақиқат, миллий армиямиз тамал тоши қўйилган эътиборан давлатимиз раҳбарияти бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, ҳарбий хизматчилар табиий, экологик қийинчиликларга қарамастан ўз бурчларини виждонан бажаришади. Бунга жавобан давлатимиз уларнинг ижтимоий ғимоясини таъминлаб кўйган. Андиқор қилиб айтганда, ҳарбий хизматчиларнинг табиий қийинчиликлар мавжуд бўлган зоналарда хизматни қонунийлигимизга биноан имтиёзлар билан кафолатланган. Бунга қўра, айрим ҳудудлардаги бир йиллик хизмат икки йилга, бир ярим йилга ҳисобланади. Шунингдек, бундайин ҳудудларда бурчларини ўтаётган ҳарбийларимизнинг хизмат таътили 45 кун этиб белгиланган.

Келинг, шу ўринда яна бир муҳим ҳужжат ва унда ҳарбий хизматчиларга белгиланган имтиёзлар борасида фикрлашсак. Бу Президентимиз, Қуrolли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Қаримовнинг 2006 йилнинг 14 январидаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида» ги Низомидир. Бу муҳим ҳужжатнинг айнан Ватан ғимоячилари кунда имзоланишида ҳам ўзига хос раъий маъно бор. Андиқор қилиб айтганда, бу мардлик касбини танлаган, ҳарбий хизматни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи санайдиган юрт ғимоячилари доимо давлатимиз эътиборида эканлигини далиллат.

Мазкур Низомнинг олтинчи бобида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Жумладан, унда ҳарбий хизматчиларнинг қонунийликда белгиланган тартибда нафақа, тиббий таъминот ва бошқа қўллаб-қувватловчи қўллаб-қувватловчи имтиёзлар ҳамда имтиёзлар билан фойдаланишни келтириб ўтилган. 2009-бўлимида эса шартнома бўйича хизмат қилётган ҳарбий хизматчи ва у билан бирга яшайдиган оила аъзолари қонунийликка биноан уй-жой билан таъминланиши ҳақида сўз юритилади. Агар уй-жой билан таъминланмаган

тақдирда белгиланган тартибда ойлик пул компенсация олиши кўзда тутилади. Шунингдек, шунингдек, шпаллар қўққариб ёки ташкилий-шпал чора-тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан бўшаган бўлиши лозим. Агар қаттиқ офицер 25 йилдан кўп хизмат қилиб, ҳарбий хизматдан бўшаган бўлса, бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи турмуш ўртоғига ҳам

## ПОСБОНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ

зифаларидан бирига айланган. Президентимиз Ватан ғимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейди: «Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ғимоя қилиш, уй-жой ва маънавий шартноти, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим».

Тилга олинаётган Низомда шундай ёзилган: «Ҳарбий хизматчилар бепул тиббий ёрдам олиш – жумладан, тиш протезлари тайёрлаш ва таъмирлаш (қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо материаллар протезидан ташқари), ҳарбий-тиббий бўлима, қисм ва муассасаларда бепул дори-дармон ва бошқа тиббий воситалар билан таъминланиш ҳуқуқига эга». Шунингдек, ҳарбий хизматчи қилётган жойда ҳарбий-тиббий муассаса бўлмаган тақдирда мулк қўриқчилидан қатъи назар исталган тиббий муассасада дошқилин тиббий ёрдам олиши мумкинлиги келтириб ўтилган. Бунда кетадиган харажатлар вазирик томондан тўлиниши таъкидланган.

215-бўлимида эса хатто истефогога ёки резервага бўшаган катта офицерлар таркибидagi ҳарбийларнинг ҳам бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқлари кўрсатилган. Унга қўра, ҳарбий хизматчи 20 йилдан кам бўлмаган муддатда хиз-

мат қилган, белгиланган ёш чегарасига етиб ёки саломатлигига қўра яроқсиз деб топилб, шунингдек, шпаллар қўққариб ёки ташкилий-шпал чора-тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан бўшаган бўлиши лозим. Агар қаттиқ офицер 25 йилдан кўп хизмат қилиб, ҳарбий хизматдан бўшаган бўлса, бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи турмуш ўртоғига ҳам

инсонпарварликнинг, инсонийликнинг олий қадрият даражасига кўтарилади. Давлатимизнинг, халқимизнинг ўз фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигини қўра қўра, бундайин марду майдонларнинг оила аъзолари доимо маънавий қўллаб-қувватланишидан, ижтимоий муҳофазамизда эканлигиндан. Буйруқ ҳақида бироқ тўхталиб ўтадиган бўлсак, унга қўра хизмат бурчини, Конституциявий бурчинини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларимизнинг оилалари ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бошқармалари томонидан оталиққа олинадди. Ҳар бир байрамда, шу жумладан, Ватан ғимоячилари кунда оталиққа олинган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Президентимиз Ислам Қаримов «Ижтимоий ғимоя йили»да қўзлаган мақсадларимизга тўхталиб, шундай деганди: «2007 йилга «Ижтимоий ғимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-маъмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириш билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлиши тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади». Ҳа, олдимизда турган муҳим вазифаларни бажаришда бундайин хайрли ишларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Йилдан-йилга мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб, устувор мақсадларимиз йўлида дивид олдимлар ташлаямиз. Бу эса ўз-ўзидан миллий армиямизнинг янада шаклланишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий ғимояси янада кучайётганидан далиллат. Бобокалонимиз Амир Темури бекжизга «Бой мамлакатнинг аскарни бақувват бўлу, аскарни бақувват мамлакат бой бўлу», демаган, ахир. Қуrolли Кучларимиздаги ишқўлларнинг муҳим бир йўналиши миллий армиямизнинг жанговар қудрати ва маҳоратини юксалтиришдан кўч – армия сафларидagi инсонларга, уларнинг ижтимоий ғимоясига қаратилгани ўз самарасини бермоқда.

Аҳмаджон СОДИҚОВ

## ОФИЦЕРЛИК — МАРДОҲАВОР КАСБ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ РАҲБАРЛИГИДА ЮРТИМИЗДА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБ ВА АНДОЗАЛАРГА ЖАВОБ БERAДИГАН, БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЙТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ БЎЛГАН МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА КЎЛАМИ ВА МОҲИЯТИ ЖИҲАТИДАН ТОМ МАЪНОДА УЛКАН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.**

Қувонарлики шундаки, минтақамизда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган, юзага келётган таҳдид ва хатарларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда миллий ҳавфсизлик концепцияси асосида армиямизни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатта мўлжалланган дастур яратди. Бундан пировард мақсад – ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қуrol-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносаб зарба беришга қодир бўлган қўчли армияни яратишни кўзлади. Тинчлик, ҳавфсизлигимизнинг, сарҳадларимизнинг метин қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қуrol-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч қимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантиришни ният қилдик.

Таъкидланаётган устувор мақсадга эришишда, табиийки, офицерлар қорлигига улкан масъулият юклатилди. Эътироф этиш жоизки, миллий армиямизга тамал тоши қўйилган илк давримизданок офицерлар тайёрлашга, Қуrolли Кучларимизни миллий кадрлар ҳисобига бўлганга улкан эътибор қаратилди. Бир сўз билан айтганда, барча бўйиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуrolли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириб имконини берапти. Шу, бугунги кун талаблари деганда нимани тушуномқ керак? Қисман бунга изоҳ берилади. Яъни пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш ҳақидаги фикрларни назарда тутиямиз.

Замонавий, профессионал асосдаги миллий армияни шакллантириш ўз-ўзидан қўшнлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Қуrolли Кучлар турлари, хиллари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни, шахсий таркибининг жанговар ўзгаришларини сифатли ўзлаштиришларини, соғлом рақобатни таъминлашни тақозо этади. Бугуннинг офицери нафақат жисмонан

баркамол, балки юксак ақл-заковатга, интеллектуал салоҳиятга эга бўлмоғи керак. Демак, офицер учун интеллектуал тайёргарлик устувор йўналиш ҳисобланади. Интеллектуал салоҳиятга эга офицерда ақл-заковат, ҳарбий малака, ҳар қандай шартнода ҳам оқилона қарор қабул қила олиш санъати шаклланади. Бу эса офицер – командирда юксак масъулиятлиликни тарбиялайди.

Офицер – аскар, сержантларга устоз. Шу маънода олиб қараганда, шахсий таркиб ундан, етакчилик қобилиятидан ўрнак олади. Демак, шахсий таркиб ортидан эргашар экан, командир ишончли бўлиши керак. Андиқор, уларнинг ишончини оқлай биладиган бўлмоғи даркор. Бунинг учун эса аввало бурча, танлаган касбини кийишига шай турган курсант буни англаши керак. Эндигина офицерлик ҳаётига қадам қўйган ўқувчун орақ-юрайдан бунчи ҳис қилиши лозим. Аввало ўз-ўзингизга савол беринг: «Мен нима учун офицерлик касбини танладим? Миллий армиямизга шаклланиши, Ватан, Истиқлол ғимояси янада мустаҳкам бўлиши учун нима қилмоғим керак?».

Курсантликданок жасорат, матонат кўрсатган, демакки танлаган касби билан фахрланадиган, гурурланадиган, юрт ғимоясини муқаддас санайдиган бир йигитни биламан. У Президентимиз Фармонига қўра «Жасорат» медали билан тақдирланган Иқбол Нишонов бўлади. Тошкент вилояти тоғли ҳудудларига бостириб қилинган унинг бир гуруҳ халқро террорчиларни тор-мор этишда матонат кўрсатди, ўзбекининг бу алли. Ҳатто ярадор бўлиб, мадори кетган бўлса-да бурчига содиқ қолди. Мақдор ганимга зарба беришга, демакки истиқлолни, истиқболини ҳимоялашга куч топа билди. У қандайин куч? Таъбир жой бўлса, бу кучни туғулиб ўсган заманига муҳаббатдан, юқорида таъкидланаётган фахр, гурур, садоқат каби уллувор туйғулардан озқилган неъмат деган бўлардим.

Давлатимизнинг миллий ҳавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун II даражали «Шон-шараф» ордени билан муқофотланган марҳум капитан

Баҳром Жўраевни олайлик. Капитан оғир яраланиб, мадори қуриб борса-да, оқилона қарор қабул қила олди. Вазиятни тўғри идрок этиб, яраланган бир ҳолатда ҳам посбонларга кўрсатма, йўл-йўриқлар беришга ўзда куч топа билди. Уқ ёмғири остида, ҳаёти шами сўна бошлаган бир ҳолатда ҳам эзвонда буйруқ беришда давом этди. Командирнинг жасоратидан, қаҳрамонлигидан руҳланган ўқув шахсий таркиби ўзлари учун қўлай тактик маррага ўтиб олишиб, душманга зарба беришди.

Келтирилган мисолларнинг барида умумлаштирувчи бир жиҳат бор. Бу – садоқат, бу – матонат, бу – жасорат, бу – танлаган касбдан фахрланиш, гурурланиш. Қувонарлики шундаки, бугуннинг офицерларининг юраклари бундайин туйғулар билан уриб турибди.

Табиийки, офицерлар қорлигини профессионал даражада тайёрлаш йўлида Мудофаа вазирлиги томонидан муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Аввало олий ҳарбий билим юрталари инфратузилмалари замонавийлаштирилмоқда, уларнинг моддий-ўқув базиси янада такомиллаштирилмоқда. Иккинчидан, ҳарбий таълим тизими замон талабларига асосида шакллантириляпти. Учунчидан, олий ҳарбий билим юрталари ҳузурида малака ошириш курслари ташкил этилиб, уларда офицерлар ҳарб илмининг замонавий усул-усулларини ўрганишмоқда. Тўртинчидан, Қуrolли Кучлар академияси ҳузурида олий курслар ташкил этиляпти, бу офицерларимизнинг маҳоратини шакллантиришмоқда.

Бу савий-харажатларнинг бари ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини янада кучайтириш, замонавий қуrolлар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдирини учун қўқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий қасдларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш каби мақсадларга уйғунлашган. Устувор мақсадларимиз самарасини эса ҳарбий хизмат нуфузининг кун сайин, йил сайин ошиб бораётганидан, Ватанга, танлаган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналар шакллантиришда кўриш мумкин.

Майор Алижон САФАРОВ



## СЕРЖАНТЛАР – ТАЯНЧИМИЗ, СУЯНЧИМИЗ

**«ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ ЖАНГОВАР САЛОҲИЯТИНИ КЕСКИН ОШИРИШ, АРМИЯМИЗДА СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАҚТАБЛАРИ БАРПО ЭТИЛДИ ВА УЛАР ЗАМОНАВИЙ ЖАНГОВАР-ЎҚУВ БАЗАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. БУГУН СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИ АРМИЯМИЗНИНГ ТОМ МАЪНОДАГИ ТАЯНЧ УСТУНИГА АЙЛАНГАН, УЛАР АСКАРЛАРНИНГ УСТОЗИ, ОФИЦЕРЛАРНИНГ ЭНГ ЯҚИН ЁРДАМЧИСИГА АЙЛАНИБ БORAЁТГАННИ ОЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШИМИЗ ЗАРУР».** – дейди ҚОРТБОШИМИЗ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН БАЙРАМ ТАБРИГИДА. КЕЛИНГ, ШУ ЎРИНДА ИСЛОҲОТЛАР САБАБ МАҚОМИ ЮКСАЛИБ BORAЁТГАН СЕРЖАНТЛИК БОРАСИДА ТЎХТАЛИБ ЎТАЙЛИК.

Таъкидлаш лозимки, давр сержантларини замонавий армия талабларига мос равишда шакллантиришни тақозо этади. Хўш, бугунги замонавий миллий армиямизга мос сержант қандай бўлиши керак? Замонавий армиянинг асл сержанти мақомига тўла жавоб бериши учун нималар қилмоғи лозим? Аввало шу саволларга ойдинлик киритиб ўтасак.

Сержант кўл остидагиларни жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича тайёрлайди. Бу ҳар қандай шартнода ҳам энг мураккаб вазифаларни бажаришда посбонларнинг руҳий тайёргарлигини таъмин этишни тақозо қилади. Кўл остидаги аскарлар билан мустақил тайёргарликлар олиб бориш, тактик, ўт очиш, махсус тайёргарликлар, индивидуал-тарбиявий ишлар бўйича машғуллар ўтказиш ҳам табиийки сержантнинг зиммасида. Жанговар ҳолатларда эса ундан бўлинманинг жанговар шайлиги, жанговар қобилияти, шахсий таркибининг юксак маънавий-жанговар руҳини таъмин этиш талаб қилинишини яхши биламиз. Шундан ҳам кўришиб турибдики, уларга армиямизнинг таянч устуни, офицерларнинг яқин ёрдамчиси деган таъриф, ибора бежиз берилмаган. Бунинг замирида улкан масъулият ётади.

Шу маънода сержант кўл остидагиларга шахсий намуна кўрсатиб, посбонларни жанговар вазифаларни муваффақиятли бажаришга руҳлантириши керак. Бунда унинг етакчилик қобилияти муҳим ўрин тутди. Яъни билими, тажрибаси билан шахсий таркибини ўз ортидан эргаштира олиши, моҳирона командирлик қила билиши лозим. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтасак. Қурилмаётган объектда хушёрлик, сержант билан хизмат вазифасини бажариш, қондабузарни ушлашда аниқ, ишончли хатти-ҳаракат қилиб, кўл остидагиларга ибрат кўрсатгани учун шартнома бўйича

хизмат кичик сержантлари – А.Соттиқулов, Ш.Омонов, В.Рузибоев, Х.Бекмуродовлар Мудофаа вазирлигини буйруғига қўра яқинда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Таъбир жой бўлса, бу билан улар бугуннинг сержанти номига муносаб эканлигини, армиямизнинг том маънодаги сунъини, таянчи эканликларини исботлашди. Уларнинг бундайин хатти-ҳаракати табиийки кўл остидагиларни ҳам бурчга содиқликка, ватанпарварликка даъват этади. Ва, баралла айта оламизки, бугунги сержант армиянинг шахсий таркибини бугунга-бугун мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудрати ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган ҳам мураббий, ҳам командир ҳисобланади.

Ислохотлар давомида Қуrolли Кучларимиз сержантларнинг мақоми тўғрисидаги муҳим ҳужжатнинг қабул қилинган, унда кичик командирларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари, бурчи, масъулияти, имтиёзу имкониятларининг белгилаб берилиши, умуман сержантларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган устувор эътибор ва ғамхўрликлар армиямизнинг том маънодаги таянчи, сунъини бўла оладиган ўғлонларни кашф қилмоқда.

Президентимиз замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш йўлида қилинган улкан ишларни таъкидлар экан, ислохотлар давомида армиямизнинг муҳим бўлинларидан бири бўлган сержантларни тайёрлашга устувор эътибор қаратиб келинаётганини бежиз таъкидламаганлар.

Бунга жавобан бугуннинг сержантлари ўзларининг интеллектуал даражаси, ақлий савияси, юксак билими, етакчилик қобилиятлари, командирлик сифатлари билан олдимизга қўйган устувор мақсадларимизга эришишда қўш қанот бўлишга.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ

## ЎЗБЕКИСТОН: БУЮК ДАВР ШАВҚАТЛИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИ

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА НАШР ЭТИЛАДИГАН «АСФАР» ЖУРНАЛИНИНГ МАЙ ОЙИДАГИ СониДА АНА ШУНДАЙ САРЛАВҲА ОСТИДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҲИШЛАНГАН МАҚОЛА БУСОБИЛЕ ЧИҚДИ. УНИНГ МУАЛЛИФИ ЯҚИНДА ЮРТИМИЗДА БЎЛИБ ҚАЙТГАН АРАБ ЖУРНАЛИСТИ УМАР АС-САНЖАРИДИР.**

«Асфар» журнали сайёҳлик соҳасини кенг ёритувчи етакчи нашрлардан бири бўлиб, араб дунёсида катта эътибор қозонган.

Мақолада замонавий Ўзбекистон ҳаётининг турли жаҳаллари ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, муаллифининг қайд этишича, «Ўзбекистонда ислом цивилизацияси тараққиёти умумий жараёнларига салмоқли ҳисса қўшган буюқ аждодлар меросини ўрганиш ва уни кўз қорачигидай асраб-авайлашга катта эътибор қаратилаётди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакат раҳбарияти ўзбек халқининг бой илмий-маданий мероси ва миллий қадриятларини қайта тиклаш ҳамда асраб-авайлаш юзасидан кенг қўламли ишларни амалга оширди.

Ўзбекистон кўп асрлар давомида Мовароуннахр номи билан машҳур бўлиб келган. Бу замин пайғамбаримиз Мухаммад ҳақидаги ҳадисларни жамлаган китобнинг муаллифи — Имом ал-Бухорийнинг ватани ҳамдир. Бу муқаддас юртдан Абу Али Ибн Сино, ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Махмуд аз-Замашарий, Имом ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд каби бошқа кўплаб олим ва мутафаккирлар етишиб чиққан.

Мақола муаллифининг фикр билдиришича, араб миллатига мансуб аҳоли вакиллари кўпчилиги ўзбек халқининг бебаҳо маданий ва маънавий мероси ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмас. Шу муносабат билан Умар ас-Санжарий ўз ватандошларини ислом цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган, жаҳон фалсафаси, илм-фани ва маданияти соҳасида катта муваффақиятга эришган Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунини ўрганишга ҳамда бу борадаги ўз билимларини кенгайтиришга қаҳариди.

Араб журналистнинг таъкидлашича, Ўзбекистон халқи кўп асрлардан бунён ўзининг бой миллий урф-одат ва анъаналарини сақлаб келади.

Муаллиф ўз мақоласида Самарқанд шаҳрига алоҳида ўрин ажратган. «Самарқанднинг меъморий дурдонаси бўлиши Шох-Зиода мажмуасида Мухаммад пайғамбаримизнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос мақбараси жойлашган. Шунингдек, Самарқанд атрофида Имом ал-Бухорийнинг ёдгорлик мажмуаси ҳам бор. Ўзининг шонли тарихи мобайнида бу шаҳар Мухаммад ибн Удай Самарқандий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абул Қосим ал-Лайсий, Қозизода Румий каби бекиёс олим ва алломалари билан жаҳонга танилди.

Ўзбек давлатчилиги тарихида буюқ Амир Темури кўшган ҳисса ҳусусида тўхталар экан, Умар ас-Санжарий Самарқанд Темури ва Темурийлар давридан бунён асрлар давомида Мовароуннахр пойтахти бўлганини алоҳида таъкидлайди. Муаллиф Самарқанд қадим-қадим даврлардан бунён бу ерда ишлаб чиқарилган машҳур «Самарқанд қозғолири», миллий тўқимачилик ва гиламдўзлик санъати билан ҳам дунёда шўҳрат қозонганини қаламга олган.

«Жаҳон» АА Дубай

## Иқтисодиёт СИФАТГА ЭЪТИБОР

**ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КИЧИК КОРХОНА, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ОЧИЛГАН КЕНГ ЙЎЛЛАР РИВОЖИ, УЛАРИНГ ЭМИН-ЕРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИГА, КЎНГИЛДАГИДЙ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИШЛАРИДА АСОСИЙ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.**

2005 йилдан баракали фаолият юритаётган «GULSHANA TEKSTIL» хусусий корхонаси жамоаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Цехларда ўрнатилган Япония давлатининг жаҳонга машҳур етакчи фирмасининг юксак самарали машина, дастгоҳ ва ускуналари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ҳамда Россия давлатларининг рақобатбардор тикув машиналари ишчиларга ҳақиқий маддадор бўлмоқда.

30 нафардан иборат аҳил жамоа аҳли «GULSHANA» савдо белгиси туширилган махсус иш кийимларини юртимиздаги кўплаб йирик компания, ташкилот, муассаса, халқ таълими бўлимилари бюуротмалари асосида тикишади. Бюуротмачининг матосидан тайёрланадиган иш кийимлари пишиқ-пухталиги, чиройли дизайни ҳамда ипақдан тикилган бежирим безаклари билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур корхона тадбиркорлари имкониятларини чамалаб чиққан ҳолда жорий йил охиригача янгиликка қўл уриб, бюуротма асосида касб-ҳунар коллежлари ҳамда мактаб ўқувчилари учун формалар тикишни жорий этишмоқчи. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини яратишга асос бўлади.

## МИЖОЗЛАР МАМНУН


**ХАЛҚИМИЗНИНГ ТЎКИН ДАСТУРХОНИДАН МУНОСОБ ЖОЙ ЭГАЛЛАТГАН ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҚСУЛОТЛАРИ ТУРЛАРИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЎПАЙИБ BORMOҚДА. УЛАР ОРАСИДА «ВАНОВИН А.А.» КИЧИК КОРХОНАСИ ЖАМОАСИНИНГ МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИГАН ШИРИНЛИКЛАРИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ.**

Ҳозирги кунда 10 нафар қўли ширин қандолатпазлар маҳаллий ҳам ашёдан тайёрлаб, савдо шохобчаларига юборилаётган печенье, пряник, зефир каби мақсулотларнинг хариддорлигини таъминлаш учун юртимизда ўсадиган қуруқ мевалар –ёноғ, ерёнғоқ, бодом, майиз, кунжут, баргак ҳамда табиий асал қўқиб ишлаб чиқарилаётгани миждозларни мамнун қилмоқда.

Эътиборли томони, барча мақсулотлар бежирим—400 граммлик қилиб герметик қадоқланади. Цехларда ўрнатилган Россия давлатидан келтирилган самарали ҳақиқий маддадор бўлмоқда. Айниқса, жамоанин «Ан-хор», «Писта», «Бодомли», «Тугмача» деб номланган пишириқлари бюуротмачиларга мақул бўлмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА





**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**  
**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ**

**ХИКМАТЛАР**

Ким учун илму хунарга йўқ тараф,  
Бас, уни дер, ундан ортиқ йўқ шараф.

Жонга чун юз очса айёми висол,  
Хеч бўлур хиссу тасавуру хаёл.

Мен бу гаплардан баландирман магар,  
Айламам парво, маломат этсалар.

Гулга бир сўз айтди, хандон айлади,  
Дилга бир сўз айтди, чандон айлади.

Тилни этди шул жаҳон афсунгари.

Елкасига тегса офтоб кимсанинг,  
Тикка боққай, кўркуви бўлмас унинг.

Келса гам бошинга, гамгин бўлмагил.

Кўй кўпайса, бўлса беҳад, бешумор,  
Бунга қассобнинг нечук парвоси бор?

Қахридин олдинда юргай раҳмати,  
Имтихон этмоғи — меҳру шафқати.

Шуълалар, нурлар қуёшдин ёғилур,  
Тафтини сезгай вале кўргайму кўр?

Таъналарга зарра парво этмагум.

Кимсалар борким, юрар иш орттириб.

Вазни енгилни учиргайдир ҳаво,  
Бўлмаса салмоғи — шўрлик, бедаво.

Ақли лангар эрса, оқилдир омон,  
Лангар изла аҳли оқилдин чунон.

Чунки кўнгилдин келур кўзларга нур,  
Дилки кўрмас бўлса, кўз ботил бўлур.

Дил ақлдан нурга тўлгай дам-бадам,  
Етгуси дилдан насиба кўзга ҳам.

Анбиёга пайрав эрсанг, йўлга туш,  
Таъна-дашномларга боқма, не эмиш.

Ноумидлар топмагай жонларга нур.

Улки лочин, пашшани ов айламас,  
Лекин ўргимчакка пашша бўлса бас.

То кўнгил бирлан кўнгил пайваст экан,  
Ўртада манзил, масофа не писанд.

Айру-айру нур тарайдир кўш чирок,  
Нурлари лекин туташдир, яркирок.

Ишқ агар ошиқни мумдек эритур,  
Лекин ул маъшукни гулраъно этур.

Икки қўл лозим чапакка, борму шак,  
Битта қўл бирлан магар чиқмас чапак.

Ҳар не борким, жуфтани излар мудом,  
Қахрабога талпинур барги сомон.

Осмон эрдир, замин чун хотини,  
Ҳар не экса, ер етиштиргай шуни.

Ерга парвона ҳамиша осмон,  
Эр киши хотиндин айлангансимон.

Кун ва тун зоҳирда душмандир магар,  
Аслида яхлит ҳақиқат, бир самар.

Бир-бирига талпинурлар доимо,  
Бирлашиб, ишларни этгайлар адо.

Жон тилар дунёда хикмат ҳам улум.  
Тан тилар лек боғу бўстону узум.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАМДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМИСИНING МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ УНИВЕРСИАДА СПОРТ ҲАМДА МАШҚАТЛАРИГА АСЛ МАҚСАДИ ТАЛАБА-ЁШЛАРИМИЗНИНГ ВАТАНГА САДОҚАТ, ЭЛГА МУҲАББАТ, КУЧЛИ, ИРОДАЛИ, МЕҲНАТ ВА БИЛИМ ОЛИШ МАШАҚҚАТЛАРИГА БАРОДШИ БЎЛГАН ДЎСТ-БИРОДАРЧИЛИК РУҲИДА КАМОЛ ТОПИШЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН.**

Тошкент Давлат авиация институтининг ректори, институт «Парвоз» спорт клубининг президенти иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Мурод Икромов раҳбарлигида талаба-ёшларнинг дарсдан бўш вақтларини унумли ўтказишлари, олимпия спорт турлари ҳамда ўзлари ёқтирган миллий спорт ўйинлари билан шуғулланишлари учун олий ўқув юртида барча шароитлар яратиб берилган. Спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиладиган майдон ва заллар замонавий асбоб-ускуна ва спорт анжуманлари билан тўла жиҳозланган.

Институтда спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, стол тенниси,



«Универсиада — 2007» олдидан

**ГАЛАБА УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРИШАДИ**

миллий кураш, шахмат-шашка, авиа-модель, қўл жанги, дзюдо ва сузиш ҳамда миллий ўйинлар бўйича мусобақалари мунтазам ўтказилади.

Хотин-қизлар спорти бўйича масъул ўқитувчи Наргиза Бойматова раҳбарлигида талаба-қизлар ўртасида турли спорт-соғломлаштириш викториналари ва беллашувлар ташкил этиб борилади.

Институт талабалари ёшларнинг Универсиадада спорт мусобақаларида мунтазам қатнашиб, муайян ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Жумладан, республика талаба-ёшларининг «Универсиада — 2002» ўйинларида волейбол бўйича Ирина Орлова ва Оксана Морозова Тошкент жамоаси таркибига қатнашиб 1-ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлганлар. Сузиш бўйича Андрей Рабдонов 3-ўринни дзюдо бўйича Нурлан Рустамов ҳам 3-ўринни эгалладилар.


«Универсиада — 2004» ўйинларида 10 нафар институт талабаси иштирок этиб шулардан Оксана Морозова, Ирина Орловалар волейбол бўйича бронза медалига сазовор бўлган эдилар.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда ўтказиладиган талабаларнинг «Универсиада — 2007» ўйинларида иштирок этиш учун стол тенниси

бўйича Мария Сидякина сузишдан, Павел Овчинников ва волейболчи Оксана Морозовалар олтин медални қўлга киритиш учун Тошкент шаҳри терма жамоалари таркибига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Албатта, ҳар бир спортчи мусобақаларда фақат галаба қозониш ниятида майдонга тушиши лозимлигини эътиборга олган ҳолда бу галги Универсиада мусобақаларида атиги учта спортчимиз иштирок этаётган бўлса-да, шахримиз терма жамоаси таркибига муносиб қатнашиб, зафар кучишини таъминлаш мақсадида уларга барча тегишли шарт-шароитларни яратганмиз, — дейди Тошкент Давлат авиация институтининг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси муdiri Алишер Каримов. — Улар сузиш, стол тенниси ва волейбол машғулотларида фаол иштирок этиб, ўз спорт формаларини мустаҳкамламоқдалар. Мақсадимиз — бу гал спортчиларимизнинг барчаси олтин нишонларни қўлга киритишларига эришишдир.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА:** Тошкент Давлат авиация институтининг талабалари «Универсиада — 2007» мусобақаларига кизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.



**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент Солиқ коллежи 2007-2008 ўқув йилига ўқувчилар КАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

— Тошкент Солиқ коллежи ўрта махсус касб-хунар ўқув муассасаси бўлиб, давлат солиқ хизмати органлари учун кадрлар тайёрлайди.

— Коллежга 9-синфни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Таълим йўналиши: Солиқлар ва солиққа тортиш.

Касблар: 1. Солиқ ва солиққа тортиш бўйича мутахассиси (таълим тили ўзбек ва рус тилларида).

2. Солиқ ҳужжатларини электрон қайта ишлаш мутахассиси (таълим тили ўзбек ва рус тилларида).

3. Бухгалтер (таълим тили ўзбек тилида).

— Коллежда ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил ўқувчиларнинг доимий яшаш жойларидаги шахар ва туман Давлат солиқ инспекцияларида амалий ишда синов.

— Коллежда ўқиш жараёни кундузги шаклда бўлиб, дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

— Коллеж ўқувчиларни заруриятига кўра ётоқхона билан таъминлайди.

— Коллеж битирувчиларига Давлат андозасидаги диплом берилади.

— Тошкент шахар умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг ариза ва ҳужжатлари ўзлари ўқиган мактаб дирекцияси томонидан 2007 йил 31 майга қадар қабул қилинади ва мактаб директори томонидан коллеж директорига расмий равишда 2007 йил 1 июлга қадар топширилади.

— Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларидан бўлган 9-синф битирувчилари ўқишга кириш тўғрисидаги ариза ва ҳужжатларини бевосита солиқ коллежига топширадилар.

**Куйидаги ҳужжатлар топширилади:**

- Коллеж директори номига ёзилган ариза (аризада таълим оладиган тили кўрсатилиши лозим: ўзбек ёки рус тили);
- 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси);
- 086-У шаклдаги саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома;
- 6 дона 3x4 ўлчамдаги рангли фотосурат (бош кийимсиз);
- Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
- 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11-синфларда тахсил олмаганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома.

Абитуриентлар томонидан паспорт (туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома) шахсан кўрсатилади.

Абитуриентлар билан махсус синов белгиланган тартибда математика, она тили ва адабиёт фанларидан ўтказилади.

Коллежга қабул қилиш тўғрисидаги барча маълумотларни абитуриентлар ўзлари яшаш жойларидаги Давлат солиқ инспекциясининг ходимлар бўлими ва Тошкент Солиқ коллежидан куйидаги телефонлар орқали билишлари мумкин: 275-75-53, 275-64-47, 275-54-82.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 3-уй.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент Солиқ коллежи ўқитувчилар таркибига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда илмий даражага, илмий унвонга ва илмий педагогик иш стажига эга бўлган, ҳамда коллежда ишлашга салоҳияти ва истаги бўлган педагог ва юқори малакали мутахассислар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари куйидаги лавозимлар бўйича танловда қатнашишлари мумкин.

— «Ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар» ва «Иқтисодий фанлар» кафедрасига бош ўқитувчилар

— Умумтаълим фанлари: она тили ва адабиёт; рус тили ва адабиёти; рус тили; (ўзбек гуруҳларида); хорижий тиллар (инглиз, немис); математика; физика; кимё; биология; география; информатика; тарих; давлат тилида иш юритиш ва нутқ маданияти; ёшларни қақириқлашга тайёрлаш; жисмоний тарбия; Давлат ва ҳуқуқ; Ўзбекистон Конституцияси; Маънавият асослари; эстетика; оила психологияси; миллий истиқлол ғояси; замонавий информацион технологиялар бўйича ўқитувчилар.

— Умумкасбий фанлар: иқтисодиёт асослари; молия; микро ва макро

иқтисодиёт; пул муомаласи ва кредит; маркетинг ва менежмент асослари; бюджет тизими асослари; иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш; ҳуқуқ асослари; солиқ ҳуқуқи асослари; солиқ тизимида аҳборот технологиялари ва автоматлаштирилган иш жойлари бўйича ўқитувчилар.

— Махсус фанлар: касб этикаси ва психологияси; бухгалтерия ҳисоби асослари; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи; солиқ тизими асослари; жисмоний шахсларни солиққа тортиш; юридик шахсларни солиққа тортиш; аудит; статистика; иқтисодий таҳлил; хорижий мамлакатлар солиқ тизими; шахсий компьютерларнинг тузилиши, уларга хизмат кўрсатиш ва тақомиллаштириш; дастурлаш асослари ва технологиялари; меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги; ҳисоблаш ва микропроцессор техникаси асослари; интернет тармоғида ишлаш; компьютер тармоқлари, уларнинг дастурий таъминоти; ЭЎМ оператори бўйича ўқитувчилар.

**Танловга топширилиши зарур бўлган ҳужжатлар:**

- Коллеж директори номига ариза;
- Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
- Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
- Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақида ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
- Илмий - услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- 4x6 ўлчамли 4 дона рангли фотосурат.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида куйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 3-уй.  
Телефонлар: 275-75-53, 275-64-47, 275-54-82.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент Солиқ коллежи «Ахборот - ресурс маркази»даги вакант ўринларга доимий ишлаш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи, салоҳиятли ва масъулиятли мутахассислар куйидаги лавозимлар бўйича қатнашишлари мумкин:

1. Ахборот - ресурс маркази бўлим мудир. Олий маълумотли мутахассис.
2. Етакчи мутахассис. Олий маълумотли мутахассис.
3. Етакчи мутахассис. Олий ёки ўрта махсус маълумотли.
4. ЭЎМ оператори. 1- тоифали.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 3-уй.  
Телефонлар: 275-54-82, 275-64-47.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

«Risolatxon-Savdo» хусусий фирмаси тугатилди. Даво-лар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ойгача қабул қилинади.

Манзил: Юнусобод тумани, Х.Расулова кўчаси, 21-уй. Телефонлар: 21-22-36, 126-97-94.

Тошкент Тиббиёт академияси раҳбарияти ва жамоаси тиббий профилактика факультети фармакология кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди Толибжон Болтаевич Мустановнинг кизи

Зулфия Толибжон кизи БОЛТАЕВНИНГ бевақт вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г - 506

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,  
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бўшқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2875 нусхада босилади.  
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6